ОЙБЕК ШЕЪРИЯТИДА УРУШ МАВЗУСИ

Д.Абдуллаева, М.Мухтарова

Мақолада Ойбекнинг иккинчи жаҳон уруши даврида ёзилган шеърлари таҳлилга тортилган. Шоирнинг урушга муносабати у яратган поэтик образлар мисолида тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: *Ойбек шеърияти, фашизм, аскар образи, ғалабага ишонч ҳисси.*

В статье анализируются стихотворения Айбека, написанные в период второй мировой войны. На основе созданных им поэтических образов выявляется отношение автора к войне

Ключевые слова: *лирика Айбека, фашизм, образ солдата, надежда в победу.*

The article discusses the poems of a well known Uzbek poet Oybek, written in the period of the Second World War which show the attitude of the author to war.

Key words: *the lyrics of Oybek, fashism, the image of the soldier, the hope of victory.*

Ўзбек шоири Ойбек ижодида иккинчи жаҳон уруши даврида ёзилган шеърлар алоҳида туркумни ташкил қилади. “Ёвга ўлим”, “Ватан ҳақида”, “Йигитларга”, “Сенинг қувончинг”, “Хайрлашув”, “Жангчи элатим олдида”, “Жасур йигитларга”, “Иссиз қишлоқ”, “Жангчи хатидан”, “Жангчининг юраги”, “Йигитнинг юраги”, “Қиз орзуси”, “Аму бўйларида”, “Аҳду паймон узилмас”, “Автомат”, “Худойберганов Жуманиёз”, “Хайр, дўстим”, “Зафар бизники” каби шеърларда шоир уруш даҳшатларини жонли бўёқларда тасвирлайди. Ойбек 1942 йил охирларидан 1943 йилнинг баҳоригача 2-ўзбек бадиий бригадасида бошқа ижодкорлар билан бир қаторда фронтда бўлди [1, 210]. Иккинчи жаҳон уруши бошланган кун – 1941 йилнинг 22 июнида Ойбек “Ёвга ўлим” шеърини ёзди. Мазкур шеър адабиётшуносликда “ўзбек адабиётида уруш даврида яратилган биринчи асар” деб қаралади [4, 59]. “Ёвга ўлим” шеъри урушдан икки кун ўтгач, матбуотда чоп этилган. Уруш мавзусидаги бу илк шеърда шоирнинг ғалабага бўлган ишончи, ватанга меҳр-муҳаббати, шунингдек, душманга нисбатан ғазаби, урушга нафрати ёрқин акс этади.

Ойбек уруш майдонидаги ва фронт ортидаги воқеаларни бошдан кечириб, ўзи гувоҳи бўлгани учун ҳам ҳис ва кечинмаларни “қалб призмасидан” ўтказиб ифода этади. Кейинроқ, 1965 йилда шоир уруш мавзусидаги шеърларини “Фронт бўйлаб” номи билан нашр эттирди. Мазкур шеърлар ҳам шаклан, ҳам мазмунан ранг-баранг, бири иккинчисини такрорламайди. Шоир ҳар бир шеър учун танлаган шакл, яратган образ ва характерлар, қўлланган бадиий усул ва воситалар ҳам ўзига хос. “Ёвга ўлим” шеърида шоир “биз” – кўпчилик номидан сўзлайди. Бу эса инсониятнинг, кўплаб халқларнинг фашизмга қарши эканини англатади.

“Ватан ҳақида”, “Йигитларга”, “У ўзбекнинг асл боласи...”, “Жасур йигитларга”, “Худойберганов Жуманиёз” каби шеърларда жангчиларни душманни енгишга даъват этиш, ғалаба сари руҳлантириш мазмуни етакчилик қилади. Йигит кишининг жангга қуюндай югуриши, унинг қиличидан

Д.Абдуллаева *– АДУ ўзбек адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди;*
М.Мухтарова *– АДУ филология факультети 3-босқич талабаси*

ёв бошларининг тўкилиши, ўлимга ҳам чанг уриши образли ифодаланган. Шоир халқнинг ўз ўтмишини эслатиб, йигитларнинг ғурурини уйғотади: *Боболаринг қарич ёшда от минган, / Тиғларига жило берган чақиндан. / Оқ соқолин ҳилпиратиб кетганда,/ Тоғ-тош ошган, ёвни қувган, сўнг тинган [2, 83].*

Жангчи аскарларга мурожаат, хитоб ва даъват мазмунининг етакчилик қилиши уруш мавзусидаги шеърларга хос хусусиятдир. Бундай шеърлар фронтдаги аскарларни руҳлантирган, ғалабага бўлган ишончини мустаҳкамлаган. Ойбек яратган аскар образи тилидан лирик кечинмаларнинг ифодаланиши шеърнинг таъсир кучини оширганлигини айтиш ҳам ўринлидир. Лирикада кечинмаларнинг "мен" тилидан баён этилиши ўқувчида муайян эмоционал-экспрессив ҳолатни юзага келтиради. Жангчи аскарнинг онасига, ватанга, ёрига бўлган меҳр-муҳаббати, жонфидолиги ҳақидаги бундай шеърлар кўпчиликни ташкил қилади. Шоирнинг қуйидаги тўртлигида ватан ҳамда ватан бағридаги ёрга бўлган аскар муҳаббати уйғунликда ифодаланади: *Юрагим душманга қаттиқдир тошдан, / Бир кўзда Ватану бир кўзимда сан. / Жанг сурони тингач, қушдек мизғисам – / Ўқлар пора этган шинелимда нам... [3;155]* Душманга қарши курашаётган жангчининг иродаси, юраги тошдан қаттиқ, демак, нафрати, ғазаби ҳам шу қадар кучли. Бу туйғу қанчалик кучли бўлса, ватанга ва ёрга бўлган соғинчи, муҳаббати ҳам шу қадар оташин эканлиги ихчам жумлаларда акс этмоқда.

Уруш мавзусида ёзилган шеърларнинг аксарияти фронтда хизмат қилган аскарлар, катта ва кичик жангларда буюк қаҳрамонликлар кўрсатган шахсларга аталган. Улардан Жуманиёз Худойберганов, Икром Тошматов, Тешабой Одилов, Саидохун Сатторов, Зебо Ғаниеваларга ёзилган "Ёвга ўт солсам эди", "Жангчи орзуси", "Қаҳрамонлар", "Зебо", "Офарин", "Йигитнинг йигити" каби шеърлар қаҳрамонлари ҳаётдаги реал шахслар бўлиб, уларнинг урушда кўрсатган жасоратлари бошқаларга ибрат сифатида янграйди. Мазкур шеърлар ушбу инсонлар номига ёзилган бўлса-да, лекин, амалда уларга ўхшаган жасур аскарлар ва қаҳрамонларнинг ҳамма-ҳаммаси учун аталгандир.

Тешабой Одиловга бағишланган "Ёвга ўт солсам эди" шеърида анъанавий ғазалчилик шакли ва оҳанглари сезилади. Шеър жангчининг ёри тилидан айтилган бўлиб, ишқ изҳори ўзига хос намоён бўлади: *Ёвни қирган қўлларингни бўйнима солсам эди, / Мард кўнглингни мен ширин куйлар билан олсам эди. / Гоҳ ипак сочимнинг атри билан аста маст этиб, / Гоҳ мақтаб мардлигингни торимда мен чалсам эди* [3, 139].

"Жангчи орзуси" шеъри юқоридаги шеърга жавоб сингари туюлади. Аскар йигитнинг ёрига муҳаббати чуқур лиризм билан йўғрилган. Шеърнинг композицион тузилиши, вазн, туроқ, қофия тартиби ҳам "Ёвга ўт солсам эди" шеъри билан бир хил: *Кокилингни, дилбарим, кўзимга бир сурсам эди, / Ҳам дутору най билан ёнингда ўлтирсам эди./ Ғунча лабларни очиб сен шўх лапарни куйласанг, / Мен бошимни тебратиб, кўзингга термулсам эди* [3, 166]. Ҳар икки шеър жангчи ва ёрининг муҳаббатинигина акс эттириб қолмай, ғалабага чорлов мазмуни билан якунланади. Биринчи шеърда жангчининг ёри "Жанглар аро ёнингда мен ёвга ўт солсам эди", "Мен зафар куни ёнингда бир нафас қолсам эди" деб орзу қилса, "Ёвни енгиб ел каби қошингга югурсам эди", "Жон каби кўнглимдасан, ҳар ерда йўлдошсан ўзинг, Енгамиз, тез енгамиз! Йўлларда кутсин шўх кўзинг" дейди жангчи йигит. Муҳаббат изҳори берилган бундай шеърларда ёвни енгишга даъват, ғалабага умид оҳанглари ўша давр кишиларини руҳлантирган. Ойбекнинг бадиий маҳорати ҳам ғазал шаклидан фойдаланиб, анъанавий ишқ-муҳаббат мавзусига замон нафасини қўшиб бера олганида кўринади.

Шоирнинг халқ оғзаки ижодидаги лапар шаклида битган "Қиз орзуси" шеъридаги йигит ва қиз айтишувида шўх, патетик руҳ ифодаланади. Қуйидаги мисраларда ёшликка хос жўшқинлик, қувноқлик, қалбнинг муҳаббатга, ғайратга лиммо-лимлиги ҳис этилади: Йигит: *Сочинг тушмиш тақимга,/ Силатасан, айт, кимга?* Қиз: *Ким немисни кўп қирар, / У қора сочим силар* [3, 141].

Лапарда қиз томонидан айтилган сўзлар гўё йигитга ёр васлига етиши йўлидаги қўйиладиган шартлари сингари жаранглайди. Бу шартлар йигитларнинг мерган бўлиши, ҳамиша олға босиши, юртни жондан азиз билишга ундаш билан уйғунлашади.

"Фронт бўйлаб" туркумидаги "Салом деб қолдилар", "Жангчи хатидан", номли шеърлар мактуб шаклида ёзилган. "Салом деб қолдилар" шеърида фронтдаги жангчиларга уларнинг яқинлари томонидан соғинчли салом ва аскарларнинг ғалаба қилишига ишончи тасвирланса, "Жангчи хатидан" шеъри жангчининг ўз ёри Норбибига хати шаклида ифодаланади. Шеърларнинг хат шаклида берилиши шоирнинг лирик қаҳрамон кечинмаларини кенгроқ, чуқурроқ ифодалашида ҳам қулай усул бўлганлигини кўриш мумкин.

Маълумки, уруш даврида жангчиларнинг ўлими ҳақидаги мудҳиш хабарлар "қорахат" дейилар эди. Ойбекнинг "Қорахат" шеърида шундай хат олган кишининг руҳий ҳолати тавсиф этилади. Шеърда хатни олган шахс ва дунёдан кўз юмган

жангчи ҳақида ҳеч бир сўз айтилмайди. Агар шеърга сарлавҳа қўйилмаса, гап нима ҳақида кетаётганлиги ҳам мавҳумлашади. Бироқ, “шода дурнинг бехосдан узилиши”, “умиднинг рангли барглари тўкилиши”, шумхабардан одамнинг йиқилиши деб эмас, “ернинг қочиши, қуёш зарларининг қорайиши” каби бадиий, жонли тасвирлар ўқувчи кўз олдига машъум фожеани яққол келтиради: *Бехосдан узилган шода дур каби / Тўкилди умиднинг рангли барглари./ Осилди бир онда қўллар мадорсиз, / Ер қочди, қорайди қуёш зарлари...* [3, 107]

Ойбекнинг “Жангчи орзуси”, “Аҳду паймон узилмас” каби шеърларида аскарнинг ёрга бўлган соғинчлари ифодаланган бўлса, “Сендадир кўзим”, “Ёр кетди”, “Навқирон ёр” сингари шеърлари юртнинг уруш жанггоҳларида она Ватанни ҳимоя этаётган аскарларга айтилган дил сўзларидир. “Аҳду паймон узилмас” шеърида ҳақиқий видолашув – она ва ёрга интиқлик акс эттирилган: *“Хайр!” деб кўзингдан ўпдим, дилбар ёр, / Сўрадим: “Сўзингда бўлурми қарор”/ Дедингки:“Қаҳрамон бўлсанг, йигитчам, Кўзларим йўлингда ҳарвақт интизор”* [2, 95].

Жангчининг онаси изтиробларини Ойбек лирикада уч хил кўринишда акс эттиради: 1.Ўзи тасвирлаб, ўзи баён етади (яъни муаллиф тилидан айтилади). 2.Аскар тилидан онага айтилган дардлар. 3.Она тилидан заминлар оша янграган, ўғлига қарата айтилган сўзлар.

Ойбекнинг уруш йилларида ёзилган шеърларининг барчасида ғалабага ишонч руҳи устуворлик қилади. Ҳали уруш тугамай туриб аскарга “сен ғалаба қилдинг” деб хитоб қилиши, “яқин қолди улуғ ғалаба” деган сўзлари шоир қалбининг башоратлари бўлди. 1943 йилда *Ботир йигит, немисларни қир,/ Ўлигидан тепалар яса./ Кун бермагин ёвларга ҳеч бир/ Яқин қолди улуғ ғалаба...* деб ёзган Ойбек ғалабанинг муқаррарлигини сезди. Орадан икки йилга етар-етмас муддат ўтгач сўнг инсоният фашизм чангалидан қутилди, ғалабага эришди.

Уруш мавзусидаги шеърлардаги қаҳрамон дастлаб ўқувчи тасаввурида алоҳида инсон, реал шахс сифатида гавдаланса-да, бироқ жангчи аскар, унинг онаси, севгилиси кабилар умумлашма образлардир. Жанг тасвири, аскарнинг жон бериш ҳолатлари тавсифланган шеърлар мазмунидан бу каби фожеалар жуда кўплаб бўлганини англаш қийин эмас.

Ўз даврида Ойбекнинг дастлабки асарларига баҳо берилганда адабиётшунослар унинг ижодида “умидсизлик кайфияти” мавжудлигини ёхуд ҳукмрон мафкурага бағишланган асарлари борлигини қайд этадилар. Тўғри, Ойбекнинг уруш мавзусидаги шеърларида ўша замон нафаси, сиёсий ҳаёт манзаралари ҳам акс этмай қолмаган. Лекин Ойбекнинг уруш мавзусидаги шеърларида ватанга муҳаббат ва урушга қарши нафрат руҳи етакчилик қилади. Бу шеърларда “умидсизлик кайфияти” эмас, балки ғалабанинг муқаррарлигига ишонч балқиб туради. Ойбек шеърияти тадқиқотчисининг фикрлари билан айтганда, шоир шеъриятининг “асосий хусусияти медитативлик бўлиб, кўнгил изҳоридир” [5, 7].

Ойбекнинг уруш мавзусидаги шеърларида иккинчи жаҳон уруши манзаралари, жароҳатлари, фожеалари қаламга олинган бўлса-да, бу мавзу умумбашарий аҳамият касб этади. Урушнинг ҳамма замонлар учун ҳам фалокат эканлиги, тинчлик учун кураш ғояси миллат ва ҳудуд танламаслиги, инсон эрки муқаддас қадрият эканлиги авлодларга сабоқ ва ибратдир. Инсониятнинг фашизмга қарши курашида, тинчлик учун халқларнинг оёққа туришида бугунги кунда адабиётнинг ўзига хос ўрни борлиги ҳам ҳақиқатдир. Ойбекнинг уруш даврида яратилган лирик асарлари ўзбек адабиёти тарихининг муҳим ҳалқасини ташкил этадики, бу даврда яратилган шеърлар вақтлар ўтса-да, ўзининг қимматини асло йўқотмайди.

Адабиётлар:

1. Каттабеков А. ва бошқ. Ўзбек совет адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1990.

2. Ойбек. Қуёш қўшиғи. – Тошкент, 1955.

3. Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 2-ж. – Тошкент, 1975.

4. Сайимов Б. Ойбекнинг ҳарбий лирикаси. / Китобда: Ойбек ижодий методи ва бадиий маҳорати. – Т.: Фан, 1985.

5. Ҳамдамов У. 30-йиллар ўзбек шеъриятида “соф лирика” (Ойбек шеърияти асосида). Филол. фанлари... дисс.автореферати. – Т., 1997.

2015 йил 16 апрелда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)